


Буюк Холиқнинг қудрати



11:00 / 26.02.2021 3624

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:


مَلَوًا قَحْلًا نَّهْمًا لَنَبَّيْتِي اِيَّتَح مَّهْسُفَنَآ فَوَقَافِئِلْ يَٰ فَاٰنْ تُيَا ةْمَهِي رُنَس
دِيَهَشْ ةِي شَلْ كَا لَعِ هُنَّ اَكْبَرَبِ فَاكِي

«Уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўзларидаги оят (белги)ларимизни яқинда кўрсатамиз. Токи, уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид экани кифоя қилмасми?!» (Фуссилат сураси, 53-оят)

Аллоҳ таоло бу оятда бизни ўраб турган борлиқда ва танамизда Ўзининг борлигига ва бирлигига далолат қиладиган далиллар, ишораларни келажакда намоён қилишини баён этипти. Ушбу далиллар, ишораларни ўрганган ва улар ҳақида тафаккур қилганларга Қуръони Каримнинг ҳақлиги ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбарликлари ойдинлашади.

Аллоҳ таолонинг қудратига далолат қиладиган махлуқлардан бири қонимиздаги оққон таначаларидир.

Инсон қонидаги оққон таначалар лейкоцитлар деб аталади.




Ушбу расмда ўнгда оққон таначаси (лейкоцит), чапда қизилқон таначаси (эритроцит) акс этган.

Лейкоцитлар организмнинг ёт жисмлар кирган жойига етиб келиб, микроорганизмга яқинлашгач, сохта оёқлар чиқариб, уни ҳамма томондан ўраб олади ва ютиб юборади. Бу жараён фагоцитоз деб аталади.

Фагоцитозда фақат лейкоцитларгина эмас, балки организмдаги бошқа ҳужайралар ҳам иштирок этади. Бундай ҳужайралар макрофаглар дейилади. Лейкоцитлар, макрофаглар, қон ва тўқималардаги бошқа фаол моддалар фақат бактериялар ҳамда касаллик қўзғатувчи агентларни ютиб юбормай, балки организмни, Аллоҳ таолонинг фазли билан, жароҳат ёки касаллик тufайли нобуд бўлган ҳужайралардан, токсинлардан ҳам тозалайди.

Аллоҳ таоло танамиз ичида ана шундай ҳужайраларни яратиб қўйган ва уларга турли вазифаларни юклаган. Танамизга кирган ёт жисмлар бизнинг ҳалокатимизга сабаб бўлмаслиги учун лейкоцит ва бошқа ҳужайраларни ўша зарарли жисмларга қарши курашувчи қилиб қўйган.



Расмда оққон таначаларининг ёт жисми ютиш жараёнининг микроскоп орқали олинган тасвири акс этган.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Манбалар:

Islom.uz

qomus.info

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади